



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 31 » декабрь

№ 832

Toshkent sh.

### Умумий ўрта таълим муассасаларида “Замонавий мактаб” талаблари асосида лойиҳаларни ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4537-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Замонавий мактаб” талаблари асосида лойиҳаларни ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “31” декабрдаги 832-сон қарорига  
илова

**Умумий ўрта таълим муассасаларида “Замонавий мактаб” талаблари асосида лойиҳаларни ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини назорат қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом умумий ўрта таълим муассасаларини (кейинги ўринларда – умумтаълим объектлари) янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида қурилиш-монтаж ишларининг “Замонавий мактаб” талаблари асосида амалга оширилишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – “Инжиниринг компанияси” ДУК) томонидан олиб бориладиган сифат назорати ва якуний назорат тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**сифат назорати** – умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган иш ҳажмларининг “Замонавий мактаб” талаблари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига мос равишда сифатли бажарилганлиги юзасидан олиб бориладиган назорат;

**якуний назорат** – умумтаълим объектларида қурилиш-монтаж ишлари якунлангани тўғрисида огоҳлантириш тақдим қилинган пайтдан бошлаб 10 иш кунидан кечикмасдан “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан буюртмачи ташкилот, қурилиш-пудрат (ёрдамчи пудратчи), лойиҳачи ташкилотлар вакиллари иштирокида бажарилган ишларнинг якуний назорати.

3. Умумтаълим объектларида “Замонавий мактаб” талаблари асосида лойиҳаларни ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг назорати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

4. Ушбу Низом қоидалари молиялаштириш манбаидан қатъи назар янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган барча давлат умумтаълим объектларида амалга ошириладиган лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари учун мажбурийдир.

Умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида қурилиш-монтаж ишларининг ушбу Низомга мувофиқ сифат ҳамда якуний назоратининг амалга оширилиши умумтаълим объектларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекциялари томонидан амалга ошириладиган назорат, муаллифлик ва техник назорат, шунингдек назорат ўлчовининг ўтказилишини истисно этмайди.

5. Умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида қурилиш-монтаж ишларининг “Замонавий мактаб” талаблари асосида амалга оширилишининг сифат назорати қуйидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширилади:

сифат назоратини амалга оширишнинг холислиги ва ошкоралиги;  
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахл қилмаслик;  
хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаслик.

## **2-боб. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби**

6. Умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида лойиҳалаш ишлари “Замонавий мактаб” намунавий лойиҳалари асосида амалга оширилади.

7. Умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида тегишли лойиҳалар “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан буюртмачи вазифасини амалга оширувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда – буюртмачи ташкилотлар) мурожаатига кўра шартнома асосида тайёрланадиган техник топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

8. Умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашда буюртмачи ташкилотлар ҳар йили октябрь ойининг охиригача қадар кейинги йилда амалга ошириладиган янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари учун лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш юзасидан “Инжиниринг компанияси” ДУК билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш учун мурожаат қиладилар. Шартнома қиймати ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ мезон асосида аниқланади.

9. Тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар қиймати доирасида “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқлар ишлаб чиқилади.

10. Буюртмачи ташкилотлар умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш юзасидан “Инжиниринг компанияси” ДУК техник топшириқларига асосан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказишдан олдин “Инжиниринг компанияси” ДУК билан келишилишини таъминлайди.

“Инжиниринг компанияси” ДУК билан келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар қўшимча равишда келишилиши лозим.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг, шунингдек уларга киритиладиган ўзгартиришларнинг келишуви бепул амалга оширилади.

11. “Инжиниринг компанияси” ДУК техник топшириқларига асосан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини, шунингдек уларга киритиладиган ўзгартиришлар белгиланган тартибда келишилишини таъминлаш учун буюртмачи ташкилотлар масъул ҳисобланади.

12. “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари қабул қилиб олинган кундан бошлаб 7 иш кунида келишилади. Келишув лойиҳа-смета ҳужжатларининг асл нусхаларига “Инжиниринг компанияси” ДУКнинг “Келишилди” штампи ҳамда масъул шахснинг имзосини қўйиш орқали расмийлаштирилади.

13. Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида “Инжиниринг компанияси” ДУКнинг техник топшириқларидаги қуйидаги талабларнинг инобатга олинмаганлиги уларнинг келишуви рад этилиши учун асос бўлиши мумкин:

конструктив ечимлар, асосий қурилиш конструкциялари ва материалларига бўлган талаблар;

муҳандислик-технологик ускуналарга, муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш лойиҳаларига бўлган талаблар;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бўлган талаблар;

фавқулодда вазиятдан огоҳлантириш бўйича муҳандислик-техник чора-тадбирларини ишлаб чиқишга доир талаблар.

Бунда, “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган муддат ичида асослантилган ёзма хулоса тақдим этилади.

### **3-боб. Қурилиш-монтаж ишлари даврида сифат назоратини амалга ошириш тартиби**

14. “Инжиниринг компанияси” ДУК умумтаълим объектларини “Замонавий мактаб” намунавий лойиҳалари асосида янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида сифат назоратини амалга оширади.

15. “Инжиниринг компанияси” ДУК буюртмачи ташкилотлар томонидан умумтаълим объектларида қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги тўғрисида ёзма огоҳлантириш хати тақдим этилган вақтдан бошлаб 15 кун ичида сифат назоратини амалга оширишга киришади. Ёзма огоҳлантириш хати қурилиш-монтаж ишлари бошланган вақтдан бошлаб 3 иш куни ичида тақдим этилиши лозим. Умумтаълим объектида қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги тўғрисида ёзма (электрон) огоҳлантиришнинг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгарлик буюртмачи ташкилотлар зиммасига юкланади.

16. Умумтаълим объектларида қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан иш ҳажмларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан ишлаб чиқилган техник топшириқларга мос равишда бажарилганлиги устидан сифат назорати бевосита жойларга чиққан ҳолда амалга оширилади.

17. Сифат назоратини амалга ошириш жараёнида бино ва иншоотларнинг сифатига таъсир қилувчи, тасдиқланган лойиҳадан четга чиқиш аниқланган ҳолатларда ҳамда бино ва иншоотларнинг сифатига таъсир қилувчи бартараф этиш мумкин бўлмаган лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари аниқланганда далолатнома, ушбу Низом 18-бандининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолда тақдимнома расмийлаштирилиши мумкин.

18. Сифат назоратини амалга ошириш жараёнида “Инжиниринг компанияси” ДУК мутахассислари қуйидаги ваколатларга эга:

буюртмачи ташкилотлар томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган умумтаълим объектларидаги қурилиш-пудрат ташкилотлари, улар томонидан бажарилган иш ҳажмлари ва сифат назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар тақдим этилишини талаб қилиш;

қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган умумтаълим объектига қурилиш-пудрат ташкилоти вакили, буюртмачининг техник назоратчиси, лойиҳачининг муаллифлик назорати ходимини чақиртириш ва тушунтириш (оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда) олиш;

бино ва иншоотларнинг сифатига таъсир қилувчи, тасдиқланган лойиҳадан четга чиқиш аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳамда номувофиқликлар (камчиликлар)нинг бартараф этилишини таъминлаш бўйича тегишли қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекциясига тақдимнома киритиш;

бино ва иншоотларнинг сифатига таъсир қилувчи бартараф этиш мумкин бўлмаган лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари аниқланганда, демонтаж ишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича тегишли қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекциясига тақдимнома киритиш;

қурилиш-монтаж ишлари бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган сифатсиз амалга оширилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, белгиланган тартибда сифатсиз ишлар ҳажмини умумий иш ҳажмидан чегириб ташлаш юзасидан буюртмачи ташкилотга ёзма кўрсатма бериш.

#### **4-боб. Қурилиши тугалланган умумтаълим объектларида якуний назоратни амалга ошириш тартиби**

19. Буюртмачи ташкилотлар “Инжиниринг компанияси” ДУКни умумтаълим объектларида янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари якунланган вақтдан бошлаб 3 кун ичида бу тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

20. Умумтаълим объектларида қурилиш-монтаж ишлари якунлангани тўғрисида огоҳлантириш тақдим қилинган пайтдан бошлаб 10 иш кунидан кечикмасдан “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан буюртмачи ташкилот, қурилиш-пудрат (ёрдамчи пудратчи), лойиҳачи ташкилотлар вакиллари иштирокида бажарилган ишларнинг якуний назоратини амалга оширишга киришилади. Якуний назорат давомийлиги амалга оширилган ишлар ҳажми, бино-иншоотларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда, лекин 30 кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.

21. Якуний назорат “Инжиниринг компанияси” ДУКнинг бир ёки бир неча мутахассислари томонидан, зарур ҳолларда тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида жалб қилинадиган малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши мумкин.

22. Буюртмачи ташкилот якуний назоратни амалга ошириш учун “Инжиниринг компанияси” ДУК талаб этган барча зарур ҳужжатларни тақдим этилишига масъул ҳисобланади.

23. Қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланган умумтаълим объектларини фойдаланишга қабул қилишга якуний назорат натижалари юзасидан расмийлаштириладиган далолатноманинг “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан имзоланганидан кейингина йўл қўйилади.

24. Якуний назорат натижалари уч нусхада далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади. Далолатномаларнинг бир нусхаси “Инжиниринг компанияси” ДУКда сақланади, иккинчи ва учинчи нусхалари тегишлича буюртмачи ташкилот ва бош пудратчига тақдим этилади.

25. “Инжиниринг компанияси” ДУК томонидан амалга оширилган якуний назорат натижасига кўра умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жараёнида лойиҳа-смета ҳужжатларига мос бўлмаган, “Замонавий мактаб” талаблари бузиб бажарилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, буюртмачи қурилиш-пудрат ва лойиҳачи

ташкilotлар билан биргаликда ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонларни 15 кундан ошмаган муддатда бартараф этишлари юзасидан ёзма кўрсатма расмийлаштирилиши лозим.

Аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаган ҳолда бажарилган ҳамда ортиқча ҳажмда кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари қийматини суд орқали ундириш бўйича даъво аризалари киритилиши мумкин.

26. Умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида сифатсиз бажарилган, белгиланган техник талабларга мос келмаган ҳолда бажарилган ҳамда ортиқча ҳажмда кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича ундирилган суммаларнинг 90 фоизи тегишли умумтаълим объектларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бўйсунувига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг махсус шахсий ғазна ҳисобварақларига, 10 фоизи эса “Инжиниринг компанияси” ДУКнинг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.

#### **5-боб. Яқуний қоида**

27. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида  
“Замонавий мактаб” талаблари асосида амалга  
ошириладиган қурилиш-монтаж ишларини  
назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
I-илова

Умумтаълим объектларида “Замонавий мактаб” талаблари асосида лойиҳаларни ишлаб  
чиқиш, келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг назоратини амалга ошириш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
<b>1-босқич</b> (лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва келишиш)	Буюртмачи ташкilotлар	“Инжиниринг компанияси” ДУКга тўғридан-тўғри шартнома тузиш мақсадида мурожаат қиладилар. Лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш мақсадида “Инжиниринг компанияси” ДУК билан тўғридан-тўғри шартномалар тузадилар.	Келгуси йил учун жорий йил октябрь ойининг охириг кунига кадар
	“Инжиниринг компанияси” ДУК	Шартнома асосида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқади.	Шартномада белгиланган муддатларда
	Буюртмачи ташкilotлар	“Инжиниринг компанияси” ДУК техник топшириқларига асосан тайёрланган лойиҳа- смета ҳужжатларини “Инжиниринг компанияси” ДУК билан келишилишини таъминлайди.	Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишдан олдин
	“Инжиниринг компанияси” ДУК	“Келишилди” штампи ҳамда масъул шахснинг имзоси қўйилган ҳолда лойиҳа- смета ҳужжатларининг келишувини амалга оширади ёки келишувни рад этиш тўғрисида буюртмачи ташкilotга асослантилган ёзма ҳулосасини тақдим қилади.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари қабул қилиб олинган кундан бошлаб 7 иш кун ичида
<b>2-босқич</b> (сифат назоратини амалга ошириш)	“Инжиниринг компанияси” ДУК	Умумтаълим объектларини “Замонавий мактаб” намунавий лойиҳалари асосида янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида сифат назоратини амалга оширади.	Қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши давомида доимий
	Буюртмачи ташкilotлар	“Инжиниринг компанияси” ДУКни умумтаълим объектларида қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантиради.	Қурилиш-монтаж ишлари бошланган вақтдан бошлаб 3 кун ичида
	“Инжиниринг компанияси” ДУК	Сифат назоратини амалга оширишга киришади.	Қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги тўғрисида ёзма огоҳлантириш олинган вақтдан бошлаб 15 кун ичида



Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
<p><b>3-босқич</b> (якуний назоратни амалга ошириш)</p>	<p>Буюртмачи ташкилотлар</p>	<p>“Инжиниринг компанияси” ДУКни умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари якунланганлиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантиради.</p>	<p>Қурилиш-монтаж ишлари якунланган вақтдан бошлаб 3 кун ичида</p>
	<p>“Инжиниринг компанияси” ДУК</p>	<p>Буюртмачи, қурилиш-пудрат (ёрдамчи пудратчи), лойиҳачи ташкилотлар вакиллари иштирокида бажарилган ишларнинг якуний назоратини амалга оширишга киришади. Якуний назорат давомийлиги амалга оширилган ишлар ҳажми, бино-иншоотларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда, лекин 30 кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.</p>	<p>Қурилиш-монтаж ишлари якунланганлиги тўғрисида ёзма огоҳлантириш олинган вақтдан бошлаб 10 иш кун ичида</p>
	<p>Буюртмачи ташкилотлар</p>	<p>Якуний назоратни амалга ошириш учун “Инжиниринг компанияси” ДУК талаб этган барча зарур ҳужжатларни тақдим этади.</p>	<p>“Инжиниринг компанияси” ДУКнинг биринчи талабига мувофиқ</p>
	<p>“Инжиниринг компанияси” ДУК</p>	<p>Якуний назорат натижалари асосида 3 нусхада далолатнома расмийлаштиради. Умумтаълим объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида лойиҳа-смета ҳужжатларига мос бўлмаган, “Замонавий мактаб” техник талабларини бузиб бажарилган, сифатсиз ҳолатлар аниқланган тақдирда, буюртмачига қурилиш-пудрат ташкилотлари ва лойиҳачилар билан биргаликда аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатма беради.</p>	<p>Якуний назорат натижалари асосида</p>
	<p>Буюртмачи ва қурилиш-пудрат ташкилотлари</p>	<p>Лойиҳачилар билан биргаликда аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўради.</p>	<p>“Инжиниринг компанияси”нинг ёзма кўрсатмасини олган кундан бошлаб 15 кун ичида</p>
	<p>“Инжиниринг компанияси” ДУК</p>	<p>Аниқланган камчилик ва нуқсонлар 15 кунлик муддатда бартараф этилмаган ёки уларни бартараф этиш имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаган ҳолда бажарилган ҳамда ортиқча ҳажмда кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари қийматини иқтисодий судлар орқали ундириш бўйича даъво аризалари киритади.</p>	<p>Белгиланган муддатларда</p>

Умумий ўрта таълим муассасаларида “Замонавий  
мактаб” талаблари асосида амалга ошириладиган  
қурилиш-монтаж ишларини назорат қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш, сифат  
назорати ҳамда якуний назоратни амалга ошириш қийматини ҳисоблаш  
МЕЗОНИ**

Т/р	Умумтаълим объектларини янги қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун назарда тутилган капитал қўйилмаларнинг лимит қиймати	Умумтаълим объектларини янги қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун назарда тутилган капитал қўйилмаларнинг лимит қийматига нисбатан % ҳисобида
1.	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 000 бараваригача	0,5% (бирок базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан кам бўлмаган қийматда)
2.	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 000 баравари ва ундан ортик	0,3% (бирок базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан кам бўлмаган қийматда)

